

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

АЁЛЛАР МИГРАЦИЯСИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Мамаюсупова Диловар Бегматовна,
Тошкент давлат аграр университети
Гуманитар фанлар кафедраси ўқитувчиси

For citation: Dilovar B. Mamayusupova. Women's migration: problems and solutions. 2019, vol. 1, issue 12, pp. 27-33.

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-12-04>

Келиб тушган сана 5 август, 2019
Эълон қилинган сана 5 октябрь, 2019

АННОТАЦИЯ

Мақолада глобализация даврида табиий равишда меҳнат миграциясининг кун сайин янгиланиб боравериши натижасида аёллар ўрта-сида ички ва ташқи миграция кенгайиб бораётганлиги, бу эса, албатта энг аввало, аёлларнинг оиладаги ва жамиятдаги мавқеига ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётганлиги ёритилган.

Калит сўзлар: глобализация, жамият, аёллар, оила, мавқеи, минтақа, ташқи ва ички миграция, бандлик, ишсизлик.

ЖЕНСКАЯ МИГРАЦИЯ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

Мамаюсупова Диловар Бегматовна,
Преподаватель кафедры гуманитарных наук
Ташкентского государственного аграрного университета

АННОТАЦИЯ

В статье освещается растущая внутренняя и внешняя миграция женщин в результате ежедневного возобновления естественной миг-

рации в условиях глобализации, что, прежде всего, негативно сказывается на положении женщин в семье и обществе.

Ключевые слова: глобализация, общество, женщины, семья, положение, регион, внешняя и внутренняя миграция, занятость, безработица.

WOMEN'S MIGRATION: PROBLEMS AND SOLUTIONS

Dilovar B. Mamayusupova,
Lecturer, Department of Humanities
Tashkent State Agrarian University

ANNOTATION

The article highlights the growing internal and external migration of women as a result of the daily resumption of natural migration in the context of globalization, which, first of all, negatively affects the position of women in the family and society.

Key words: globalization, society, women, family, position, region, external and internal migration, employment, unemployment.

Миграция жараёни аҳоли ҳудудий ҳаракатининг асосий тури бўлиб, инсон билан табиат ўртасидаги алоқадорлик вужудга келгандан буён шаклланиб, ривожланиб келмоқда. Миграция жараёнига тарихий ва миллий анъаналар ҳам таъсир кўрсатади. Маълумки, миграция ташқи ва ички миграцияга тақсимланади. Мамлакатлар аҳолисининг сони ва таркибига бўладиган таъсири нуқтаи назардан ташқи миграцияларнинг аҳамияти беқиёсдир. Ташқи миграция катта ҳажмга эга мамлакатларда, унинг аҳоли сони ва таркибига бўлган таъсири сезиларли оқибатларга олиб келиши мумкин. Бошқа Марказий Осиё давлатлари билан таққосланганда, Ўзбекистон ҳали ҳам энг катта сондаги фуқаролари четда меҳнат муҳожирлигида банд ягона минтақа давлати бўлиб қолмоқда.

Минтақадаги энг йирик 33 миллиондан ортиқ Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан кўпроғини хотин-қизлар ташкил қилади. Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб хотин-қизлар ўз оилалари ва билвосита мамлакат иқтисодини ҳаракатга келтирган асосий ишчи кучи сифатида майдонга чиқди. Глобализация даврида табиий равишда меҳнат миграциясининг кун сайин янгиланиб боравериши натижасида аёллар ўртасида ички ва ташқи миграция кенгайиб борди. Бу эса, албатта энг аввало, аёлларнинг оиладаги ва жамиятдаги мавқеига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Аёллар жамиятда унинг ривожини, янги ва янги босқичга кўтарилиши учун энг муҳим омил, халқ ва давлатнинг ривожланишида энг муҳим бўлин ҳисобланади. Шунинг учун ҳам аёлларга бўлган муносабат ҳар бир давлатнинг маданий даражасини белгилаб беради. Тўғри, эркалар давлатнинг иқтисодий фойда келтирувчиси, оиланинг моддий таъминотчисидир, лекин айнан давлатда туриб, бола тарбияси, давлат ривожини билан шуғулланиш аёллар зиммасидаги муҳим вазифа. Шунинг учун ҳам аёлларга қаратилаётган эътибор - давлатнинг ривожланишига берилаётган эътиборнинг янги бир босқичидир.

Чет элда ишлаётган ўзбекистонликларнинг сони ортиб бораётгани сари, бир ёки иккала ота-онасиз уйда қолган болаларнинг сони ҳам ортган. “Халқаро тадқиқотлар шуни кўрсатадики, миграция оила тузилмасига ва ортда қолдирилган болаларга чуқур таъсир қилади”, - дейди ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Саша Грауманн. “Ота-оналарнинг миграцияси туфайли болалар оиланинг бузилиши оқибатларидан азият чекиши, етарлича ғамхўрлик кўрмаслиги ва махсус муассасага жўнатилиш хавфига дуч келиши мумкин”. Аёлларнинг ишлаш учун хорижга чиқиш халқимизнинг қадрияти бўлган оилани ҳам хавф остида қолдиради. Маълумки, ёш авлодни ҳар томонлама мукамал, маънавиятли шахс сифатида камол топишида оиланинг, ота-онанинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, оила ёшлар маънавиятини шакллантиришнинг энг муҳим мезонларидан биридир.

Шу билан бирга миграция жараёнидаги мавжуд қийинчиликлар ва муаммолар сабабли кўплаб миграция қурбонлари, ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари рўй бермоқда. Шунингдек, хорижга ишлаш учун чиқиб кетган аёллар ўртасидаги хоҳланмаган ҳомиладорлик, турли юқумли касалликларнинг ортиши ҳам бундай салбий ҳолатларга сабаб бўлган. Маҳаллаларда ва оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ҳамда аниқланган муаммоларни бартараф этишга кўмаклашиш бўйича Республика ишчи гуруҳи 2017 йилнинг 25 июнь – 2 июль кунлари Наманган вилоятининг Норин туманида фаолият олиб борди. Бир ҳафта мобайнида 57 маҳалладаги 25650 хонадонга кирилди. Натижада 5400 дан ортиқ муаммо аниқланиб, уларнинг қарийб 60 фоизи ўрнида ҳал этилди.

Маълумки, 2018 йил 5 мартда Ўзбекистон Президенти «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республика ташқарисига транспортда чиқиш вақтида хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарорини имзолади. Унга кўра меҳнат мигрантлари учун қатор имтиёзлар белгиланган.

Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ахборот хизмати хабарига кўра, Россия ва Қозоғистонда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оши-

риш учун чиқаётган фуқаролар валюта ҳисоби очиш ва махсус «VISA-migrant» карталари олиш («Алоқабанк» орқали), плацкарт ва умумий вагонларга темир йўл чипталари («Ўзбекистон темир йўллари» АЖ орқали) ёки иқтисодий (эконом) класс авиачипталарни («Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК орқали) 20 фоизгача чегирма билан махсус кассалардан олиш, шунингдек темир йўл ва авиачипта харид қилиш харажатларини қисман қоплаш учун 300 минг сўм миқдорда беғараз тўловни бир йилда бир марта («Алоқабанк» орқали) олиш учун ўзлари яшаб турган тумандаги Бандликка кўмаклашиш марказларига мурожаат қилишлари ва бўлғуси иш жойи, йўл маршрути ва кетиш истагидаги санаси кўрсатилган ҳолда Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг электрон маълумотлар базасига рўйхатга олинишлари, имтиёзли чипталарни сотиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3584-сонли қарорига асосан амалиётда 2018 йил 1 апрелдан бошланди.

Аёл мигрантлар борасида олиб борилган тадқиқотлар хулосасига кўра, дастлаб аксарият аёллар оилавий ажримлар туфайли хорижга чиқишга мажбур бўлишган бўлса, ҳозирда аксинча мигрант аёлларнинг аксарият қисми оилали аёллардир. Қолаверса, сўнгги йилларда мигрантлар орасида олий маълумотли аёллар сони ҳам ошмоқда. Уларнинг даромадлари кўпайиши натижасида кўп ҳолатларда ўзи билан болаларини ҳам олиб кетишмоқда.

Бироқ, шарқона қарашлар асосида аёлларнинг хорижга ишлаш учун чиқиб кетиши кўп ҳам маъқулланмайди. Ислом таълимотида ҳам аёллар миграциясининг вужудга келиши сабаблари турли тадбирлар билан бартараф этилади. Бу муносабат турининг ислом шариатида шаклланмаганлигининг бир қанча омиллари бор. Хусусан:

1) Ислом шариатида аёллар уч кунлик масофага сафарга якка ўзлари чиқишлари таъқиқланади.

Яъни, аёл фақат балоғат ёшига етган, ақл-ҳуши жойида бўлган эркак қариндошлари билангина ўзга диёрга сафар қилишларига рухсат этилади. Айнан балоғат ёшига этган эркак қариндошни шарт қилинишидан мақсад ҳам аёлларнинг турли моддий қийинчиликларга тушиб ўзларини бирор нолайиқ меҳнатга жалб қилмасликлари учундир. Ҳатто, эркак маҳрами бўлмаса Ҳаж каби исломнинг асосий арконларидан бирини бажариш мажбурияти бекор бўлади. Агар эри ёки яқин қариндоши бўлса зарурат юзасидан хорижга бориб ўзига мос фаолият билан шуғулланишига ислом шариати рухсат етади.

2) Аёллар меҳнати ва умуман миграцияси қачонки улар томонидан моддий-маиший эҳтиёж сезилса вужудга келиши мумкин. Ваҳоланки ислом динида барча моддий ва маиший эҳтиёжларни қонди-

риш мажбурияти оила раҳбари бўлган эркакнинг зиммасига юкланган. Агар эри бўлмаса унинг эркак қариндошларига мазкура аёлнинг барча эҳтиёжларини қондириш мажбурияти юкланади. Аёллардан бу мажбуриятларнинг бари соқит қилинади. Бу ижтимоий ҳимоя ислом шариатида нафақа атамаси билан юритилади.

3) Балоғат ёшига этган ўғил фарзанди бор аёллар ҳам ўзлари меҳнат қилиб кун кечиришларига ташлаб қўйилмайди, балки уларнинг фарзандларига ота-онаси эҳтиёжларини таъминлаш мажбурияти юкланади.

4) Исломда аёллар ҳар доим эрнинг ҳамда ислом жамияти назорати остида бўлади. Ҳатто аёлнинг ўз эри рухсатсиз зарурат бўлмасдан уйдан чиқишига рухсат этилмайди. Ислом шариатида аёллар ажнабий юртларда эмас балки ўз юртларида меҳнат қилишлари ҳамда фан, маданият, таълим, маориф, санъат, адабиёт ва шунга ўхшаш аёллар табиатига уйғун фаолият билан шуғулланишларига рағбатлантирилади. Шундай экан, унинг ўз юртидан меҳнат қилиш ёки бошқа мақсадларда чиқиб кетиши ислом жамияти учун жоиз ҳисобланмайди ва бундай аёлларга нисбатан жамият ижобий муносабат кўрсатмайди [2].

Бу меъёрлар амал қилиш муддати абадий бўлиб ҳеч ким уларни бекор қила олмайди. Масаланинг энг муҳим хусусияти ҳам шунда, яъни мазкур қоидалар ислом жамиятида ҳар доим амалда жорий бўлиб аёллар миграциясини вужудга келишига тўсиқ бўлиб келаверади [2].

2019 йил 7 мартда қабул қилинган ва 9 мартдан кучга кирган “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4235-сон қарор билан аёллар меҳнати бўйича таъқиқ ва чекловларнинг бекор қилиниши ҳам аёллар бандлигини таъминлашга, хотин-қизлар ўртасида ташқи миграциясининг олдини олишга, аёлларнинг оиладаги масъулиятли, муқаддас бурчи — фарзанд тарбияси билан машғул бўлишига хизмат қилади [1].

Мазкур қарорга мувофиқ, 2019 йил 1 майдан аёллар меҳнатини муайян соҳа ёки касбларда қўллаш бўйича таъқиқлар бекор қилиниб, унинг ўрнига аёллар соғлиғига салбий таъсир этиши мумкин бўлган соҳа ва касблар тавсиявий рўйхати тасдиқланди; агар отаси бола парваришlash таътилининг камида 3 ойидан фойдаланса, ота ёки онадан бирига Меҳнат кодексининг 234-моддасида белгиланган тартибда қўшимча 1 ой нафақа тўланадиган бола парваришlash таътили берилиши; 2 ёшга тўлмаган фарзандини тарбияловчи ота-оналарнинг бирига уларнинг иш пайтидаги дам олиш ва овқатланиш, болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар ҳисобидан иш берувчи билан келишган ҳолда кун давомида фойдаланиладиган танаффус вақтини бел-

гилаш ҳуқуқи берилиши; аёлларнинг пенсия ёшига тўлганлиги (МКнинг 100-моддаси 7-банди) ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келганлиги сабабли улар билан тузилган номуайян муддатли меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунга қадар ёки муддатли меҳнат шартномасини муддати тугагунга қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш таъқиқланиши; эрақ ва аёллар ҳуқуқлари тенглигининг бузилиши билан боғлиқ ишларнинг судларда кўриб чиқилишида аёлларга адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик хизмат учун ҳақ уларнинг хоҳишига кўра давлат ҳисобидан қопланиши кабилар имтиёзлар белгиланди.

Иккинчидан, Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ташкил этилиб, улар узоқ муддат бола парваришlash таътилида бўлган, мушкул иқтисодий аҳволга тушган аёлларни касблар бўйича қайта тайёрлашга кўмаклашади, аёлларнинг бизнес юритиш кўникмаларини шакллантиради, уларга маслаҳатлар беради ва амалий ёрдам кўрсатади.

Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизлар туман (шаҳар) ҳокими ва хотин-қизлар кўмитаси томонидан шакллантириладиган рўйхат асосида махсус ўқитиш дастури бўйича ўқитилади. Махсус дастурларни муваффақиятли ўзлаштирганларга туман (шаҳар) хотин-қизлар кўмитаси тавсиясига кўра тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун имтиёзли кредит берилади. Кредит муддати 6 ойлик имтиёзли давр билан 3 йилдан ошмайди, ставка — йиллик 8% этиб белгиланди. Бунинг учун Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди банкларга ҳар йили 100 млрд сўм ажратади, унинг камида ярми қишлоқ жойлардаги хотин-қизларнинг бизнесини ривожлантиришга йўналтирилади.

Учинчидан, Хотин-қизларнинг гендер тенглигини ҳимоя қилиш бўйича комиссия тузилди, қуйидагилар унинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- мамлакатда гендер тенгликни таъминлашга ва аёлларнинг ижтимоий турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишда фаол иштирок этиш;

- давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан аёлларнинг гендер тенглиги бузилишига оид мурожаатларини кўриб чиқиш;

- касбий сегрегация, иш ҳақи ўртасидаги фарқ, аҳолининг иқтисодий фаол қатлами орасида аёлларнинг улушини кўпайтириш масалалари бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

- аёллар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш бўйича умумэтироф этилган халқаро нормаларни миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

• аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган чораларни белгилаш ва самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда кенг қамровли тарғибот ишларини ташкил этиш.

Тўртинчидан, яқин орада иккита қонун лойиҳасини ишлаб чиқишлари ва Вазирлар Маҳкамасига киритишлари керак:

• «Эркаклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси, унда гендер тенглик тушунчаси ва турлари, ваколатли органларнинг вазифалари ва функциялари, давлат бошқарувида иштирок этиш, ишга қабул қилиш ёки ёллаш, кредит олиш ва тадбиркорлик билан шуғулланишда гендер тенгликни таъминлашга оид нормалар, гендер тенглик бузилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни, шунингдек бундай бузилишга олиб келадиган қилмишларни содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилади;

• «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси, у маиший, иш жойидаги ва таълим муассасаларидаги тазйиқ ва зўравонликлар турлари, ваколатли органларнинг вазифалари ва функциялари, тазйиқ ва зўравонликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни, шунингдек бундай қилмишларни содир этганлик учун жавобгарлик, судгача ва суд жараёнида тазйиқ ва камситишларга дучор бўлган шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган процессуал кафолатларни ўз ичига олади[1].

Хулоса қилиб айтганда, аёлларнинг жамият ҳаётидаги иштироки ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда муҳим омил экан, миллат ва жамият келажаги аёллар ижтимоий фаоллиги билан бевожуб бўлиқдир. Шунинг учун ҳам, хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ҳамда ролини янада ривожлантириш давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлиб қолаверади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар қабул қилинди (7.03.2019 йилдаги ПҚ–4235-сон қарор) // https://www.norma.uz/qonunchilikda_yangi/aellar_mehnati_buyicha_taqiq_va_cheklovlar_bekor_qilinadi (Measures are being taken to further strengthen women's labor rights guarantees and support entrepreneurship (decision No. PP-4235 of March 7, 2019))

2. Қамбаров О. Ислом шариатида аёллар миграцияси // [islom.uz/maqola / 3437](http://islom.uz/maqola/3437) (Kambarov O. Migration of women in Islamic Sharia).